

## Вараъ ҳақида келган ҳадислардан намуналар | Тазкия дарслари (262-дарс)

**ТАЗКИЯ**  
262-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 30.12.2023 1478

بَلِّغْ نَافِلًا نَبِيًّا فِي دُحْنِ  
يَلْصَقُ هَلْ لَأُلُوسٍ رِيْلَاقِ  
لُضَفٍ «مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ  
لُضَفٍ نَمُزِيخٍ مَلْعَلِ  
مُكْنِي دُرِيخٍ وَهَدَابِغَلِ  
يَنَارِبُّ طَلَا هَاوَرِ. «عَرَوَلِ  
رَأَبُّ لَأَوِ

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:**

**«Илмнинг фазли ибодатнинг фазлидан яхшидир. Динингизнинг яхшиси вараъдир», дедилар».**

*Табароний ва Баззор ривоят қилишган.*

يَضَرُّهُ لَلِإِذْبَعِ نُبِّ رَبِّ أَجْ نَع  
ذَنْعُ لُجَرِّ رَكُذَ: لَأَقُ هُنَعُ هَلَلِ  
هُلَلِ إِسَّصِ هَلَلِ لُؤْسَرِ  
ةَدَابِعِ بَمَّسَ وَسِ وَهَيْلَعِ  
يَغْرُوبُ رَخَّ أَرْكَذُ وَدَاهِتْ جَاوِ  
يَّسَّصِ هَلَلِ لُؤْسَرِ لَأَقِفِ  
لَدُعِي آلَ «: مَّسَ وَسِ وَهَيْلَعِ هَلَلِ  
»عِي شَبُّ غَرُولِ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир кишининг ибодати ва ижтиҳоди зикр қилинди ва бошқа бир кишидаги вараъ зикр қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Вараъга ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди», дедилар».**

هُلِّلَا يَضَرَّهٗ زِيَرُهُ يَبَا نَع  
نُبُّ نَسَخْلَا دَخَا لَاقُ هَنَع  
هَزَمَتْ هَنَعُ هَلِّلَا يَضَرُّ يَلَع  
هَلَعَجَفِ هَقَدَّصْلَا رَمَتْ نَم  
رُيَبُّ نَلَا لَاقَفِ هِيَفِ يَفِ  
لَاقُ مُمْثُ هَاخَرُ طَيْلُ «خُكْ خُكْ»  
لُكُّ أَنْ أَلْ أَنْ تَرْعَشْ أَمَّا»  
يَاخِي شَلَا هَاوَرُ . «هَقَدَّصْلَا  
أَلْ أَنْ تَمْلَعْ أَمَّا» : مِلْسُ مِلْوُ  
«هَقَدَّصْلَا أَنْ لَخَتْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳу садақанинг хурмосидан бир дона олиб, оғзига солди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиҳқиҳ!» деб ташлатмоқчи бўлдилар. Сўнгра:

«Биз садақа емаслигимизни сезмаганмидинг?» дедилар».

*Икки шайх ривоят қилишган.*

Муслимнинг ривоятида:

«Бизга садақа ҳалол эмаслигини билмабмидинг?!» дедилар», дейилган.

فِي غَضِّ دَانَ سَابِ هَجَامِ نُبَالٍ وَ  
لُقَعِ آلٍ «رَزِي بَأْثِي دَحْ نَمِ  
فَكَ لَأَكْ غَرَوِ آلٍ وَرِي بَدَّتْ لَأَكْ  
«قُلْ خَلَا نَسُحَكَ بَسَحِ آلٍ وَ».

Ибн Можа зайф санад ила Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилган узун ҳадисда шундай дейилади:

«Тадбирга ўхшаш ақл йўқ. Ўзини тийишга ўхшаш парҳезкорлик йўқ. Ҳусни хулқчалик ҳасаб йўқ».

Имом Аҳмад «Зухд»да Муҳаммад ибн Сийридан ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан бошқа одамнинг еган таомини ўзини мажбурлаб қусиб юборганини билмайман. Унга бир таом келтирилган эди, ундан еди. Кейин унга:

«Буни Ибн Нуъмон олиб келган эди», дейилди.

«Менга Ибн Нуъмоннинг коҳинликдан топганини егиздингизми!?» деди-да, ўзини мажбурлаб қусиб юборди».

Абу Нуъайм «Ҳуля»да Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг бир қули бўлиб, у ишлаб, бир нарсалар топиб келар эди. Бир кеча у таом олиб келди. У киши ундан бир луқма тановул қилди. Қул унга:

«Сенга нима бўлди? Ҳар кеча мендан сўрар эдинг. Бу кеча сўрамадинг?» деди.

«Бунга мени очлик мажбур қилди. Буни қаердан топдинг?» деди у.

«Жоҳилият пайтида бир қавмнинг олдидан ўтиб, уларга дам солган эдим. Ўшанда улар менга бирор нарса беришни ваъда қилишган эди. Бугун уларнинг олдиларидан ўтиб кетаётсам, тўй бўлаётган экан, ўша ваъда қилган нарсаларини беришди», деди қул.

Абу Бакр: «Мени ҳалок қилай дебсан-ку!» деди ва қўлини ҳалқумига тикиб, қусишга урина бошлади. У нарса чиқмай туриб олди. Унга:

«Бу нарса фақат сув билан чиқади», дейилди. У бир жомда сув опкелтирди-да, ундан ичиб, қусишга уринди. Охири у нарсани чиқариб ташлади. Шунда унга:

«Аллоҳ раҳмингни есин, бир луқмани деб шунчалик қиласанми?!» дейилди. У эса:

«Агар бу жоним билан қўшилиб чиқадиган бўлганда ҳам, албатта чиқарар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳаромдан ўсган ҳар бир жасадга олов ҳақлидир», деганларини эшитганман. Ушбу луқмадан жасадимда бирор ўсиш бўлиб қолмасин деб қўрқдим», деди.

### ***Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.